



ARTICLE INFO

Received: 09th September 2022

Accepted: 11th September 2022

Online: 15th September 2022

KEY WORDS

Радио, жонли эфир, мухлис, услуб, бошловчи, холистик меъёрлари, нутқ, овоз, амлуа, импривизация.

Машхур америкалик ҳуқуқшунос Ралф Нейдер, ахборот – демократиянинг асосий валютасидир. Сўз эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди, -деган эди

[1. “Халқ сўзи” газетаси 3-декабр 2020 йил сони].

Ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз олдида бўлаётган воқеа ҳодисаларни холис тасвирлаш, ифодалаш, халққа борлигича ҳақиқоний тарзда, ҳолатни етказиб беришни мақсад қилади. Радио ҳаётимизга кириб келганига бир асрдан ошиқ вақт ўтган бўлсада, ана шу мақсад билан фаолият олиб бормоқда.

Грецияда жамоанинг барча муаммоларини кўпчилик бирга бўлиб, оғзаки тарзда муҳокама қилишган. Бу эса ахборотни эшитиш орқали қабул қиладиган маданияни-ваъзхонликни такомиллаштирган. [2; 389]. Бугунги кунда радио тинглаш маданияти билан бир қаторда, аудиториянинг фикр

МИЛЛИЙ РАДИОДА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Улжамол Хоннаева

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

“Телерадио ва халқаро журналистика” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7081141>

ABSTRACT

Мазкур мақолада радио дастурларида сўз эркинлигининг акс этиши, мутахассис ва мухлиснинг ўзаро муносабатидаги холистик, бошловчиларнинг дастур олиб боришда ўз “амлуа”сидан чиқиб, гапириши ҳақида сўз юритилган.

Шунингдек, миллий радиоканалларимиз дастурларидаги очиқлик, холистик, эркинлик асосида тайёрланган дастурларни таҳлил қилинган.

билдириш, сўз айтиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бунда радиода берилаётган интерактив дастурлар мисол бўлади. Жонли интерактив дастурлар 1998 йил, ФМ каналлар пайдо бўлиш билан бошланди. Айнан шу йили (1998 йил 1-июнда) Ёшлар радиоканали дунёга келди. Бу каналнинг; ахборот-информацион, мусиқий -кўнгилочар, ижтимоий-сиёсий, адабий-публицистик, маданий – маърифий дастурлари, барчаси интерактив тарзда эфирга уланди.

Герберт Маклюин айтганидек [3; WWW/eletarium/ru/]. “Замонавий радио минг йиллик оғзаки нутқнинг кучини ва таъсирчанлигини янада тиклади”. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири ОАВнинг демократлашуви бўлди. Радионинг авалги дастур тайёрлаш услуби-монолог шаклидаги бир тарафлама алоқага асосланган эшиттиришлари ўрнини , аудитория билан бевоита



, телефон алоқа асосида тайёрланган дастурлар эгаллаб борди. Бу каби дастурларда тингловчилар билан очиқ мулоқот, аҳолининг турмуш тарзи, муаммолари ва шодлиги, қийинчиликлари ҳам борлигича эфирга олиб чиқилди.

Бошловчилар ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, мусиқий-кўнгилочар дастурларда бевосита мухлислар билан белефон алоқа ўрнатиб, ҳаётнинг қувонч ташвишларини борлигича холис ифодалаб беришади.

Радио- инсоният ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган оммавий ахборот воситасидир. “Бугунги кунда ҳам гарчи, интернет тезкорлик билан аудиторияни эгаллаб бораётган, аҳолининг турмуш тарзига кенг қулоч ёзиб кириб бораётган бўлса ҳам, радио тезкорлик, холислик, интерактивликда ўз ўрни, нуфузига эга оммавий ахборот воситаси сифатида етакчи ўринда туради.” [4;]. Айниқса, ҳозирги замонда сўз эркинлиги муҳим бўлган, дунёда ахборотлар шиддати (улар орасида аксарияти фейк) ошиб бораётган бир пайтда миллий радиоканалларда узатилаётган интерактив дастурларнинг аҳамияти муҳимдир.

Радио эфирга узатилаётган ҳар бир жонли , мулоқот дастурларида муаммоли вазият таҳлилини кузатиш мумкин. Масалан “Ёшлар” радиоканалида “Тонги парвоз” Салом ёшлар, “Ёшлар билан мулоқот”, “Беш ташаббус”, “Мотивация”, “Тамал тоши”, “Энг яхшиси”, Одавийлик мулки”, “Оқшомга қадар” номли жонли дастурларида “Ўзбекистон-24” каналида ҳар куни соат 11-20 да “Радио мулоқот”, “Муҳим мавзу”, “Халқ қабулхоналарида” каби тўғридан-тўғри

мулоқот дастурлари бериб борилади. Маҳалла радиоканали айтиб дамда эски “Машғал” давридаги фарматда дастурлар тайёрлайди. Қисқа хабар кетидан қўшиқ берилади. Аммо каналда мавзуга доир (тематик) дастурлар ҳам бериб борилади. Ҳар куни соат 08-30 да “Дурлар дунёси” дастури ҳафтанинг душанба кунлари соат 12-25 да “Мушоҳада учун мавзу”, соат 15-30 да “Маърифий суҳбатлар” дастурлари бериб борилади.

“Ўзбекистон радиоканалида асосан ижтимоий-сиёсий мавзудаги долзарб мавзудаги дастурлар эфирга узатиб борилади. Ҳафтанинг душанба кунлари “Радио мулоқот”, пайшанба кунлари соат 12-05 да “Шу куннинг мавзуси”, “Эркин фикр”, ҳар куни соат 14-10 да “Жараён” каби интерактив, жонли мулоқот дастурлари ташкил этилади. Бу дастурларда бевосита аудитория вакиллари, тингловчилар телефон алоқада иштирокчи сифатида қатнашадилар.

Мутахассисларга ўзларининг қизиқтирган саволларини бериб, жавоб олишади. Бу жараёнда очиқ мулоқотда турли мавзуги доир муаммолар, камчиликлар айтилади. Турли давлат, жамоат органлари ходимлари, ташкилот масъулларининг диққат эътибори омма тарафидан жонли эфирда ўртага ташланган муаммолар, камчиликларга қаратилади. Республикаимизнинг турли ҳудудларида учраётган, жамиятимизда кечаётган муаммолар юқори ташкилот мутасаддиларига етказилади. Кейинги дастурларда эса , мулоқотдан сўнг, қандай натижа бўлгани айтиб борилади.

Сир эмаски, 2010-2016 йиллар давомида радиодастурлар накладкада, яъни ёзиб олиб, кейин эфирга узатиш



услугага ўтказилди. Қаламқашлар маълум “амплуа” га (қолипга) тушириб қўйилди. Натижада радиодастурнинг жонли, интерактивлиги йўқолди. Бугунги кунга келиб радиоканалларнинг рейтингни баҳолашда, воқеа ҳодисларни холис ёритишда, интерактивлик, бевосита мулоқотга асосланган жонли эфирларнинг самарали юқоридир. Маҳоратли радиожурналист Климинтина Исмоилова “Жонли эфирда энг муҳими –воқеа ҳодисалар руҳиятига “кириб” унинг бевосита иштирокчисига , гувоҳига айланаётган аудиториянинг бу жараёнга қизиқиши ҳам катта ”. [5;1Исмоилова .К. В режиме прямого эфира.-Т:Межд.центр переподготовки журналистов, 2007.-С.7].

Дарҳақиқат, аҳоли ўзининг фикрларини эркин баён этиш,

муаммоларини, камчиликларини жонли эфирда баён этиб, унга юқори, масъул ташкилотлардан эътибор қаратилишини кутади. Радиоканалларда ташкил этилаётган очиқ мулоқотлар аҳоли учун айни муддаодир.

Мамлакатимизда масъуллар ва халқ ўртасида шаффоф мулоқотни ўрнатишда, аҳоли вакилларининг фаол фуқаролик йўналишини қўллаб-қувватлашда миллий радиоканаллар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини мустақамлаш жараёнида энг арзон, қулай оммавий ахборот воситаси сифатида-радиоканалларнинг ўрни беқиёсдир.

References:

- 1.Халқ сўзи” газетаси 3-декабр 2020 йил сони.
- 2 “Телерадиоэфир”:История и современность.Под ред Я.Н.Засурского.-М:Аспект пресс, 2005.С.146.
- 3.WWW.eletarium.ru.”
4. Журналистика. Аудиовизуал журналистика. 6-жилд. Т.:“Ўзбекистон” нашриёти, 2019.
5. Исмоилова .К. В режиме прямого эфира.-Т:Межд.центр переподготовки журналистов, 2007.-С.7